

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.К/Т.04.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ОТАКУЗИЕВА ВАЗИРА УСМОНЖОНОВНА

**ОЛТИННИ АСОСЛИ БУЁҚЛАР БИЛАН ТАНЛОВЧАН
ЭКСТРАКЦИОН АЖРАТИШ ВА АНИҚЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ЯРАТИШ**

02.00.02 - Аналитик кимё

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферета диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Отакузиева Вазира Усмонжоновна

Олтинни асосли бўёқлар билан танловчан экстракцион ажратиш
ва аниқлаш технологиясини яратиш 3

Отакузиева Вазира Усмонжоновна

Разработка технологии селективного экстракционного извлечения
золота и определение его с основными красителями 19

Otakuzieva Vazira

The development of selective extractive separation technology of gold and
the determination of it with the basic dyes..... 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 41

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.К/Т.04.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ОТАКУЗИЕВА ВАЗИРА УСМОНЖОНОВНА

**ОЛТИННИ АСОСЛИ БУЁҚЛАР БИЛАН ТАНЛОВЧАН
ЭКСТРАКЦИОН АЖРАТИШ ВА АНИҚЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ЯРАТИШ**

02.00.02 - Аналитик кимё

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фалсафа доктори (PhD) даражали диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/T1773 рақами билан рўйхатга киритилган

Диссертация Тошкент Давлат Техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифада www.tkti.uz манзилига ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Турабджанов Садриддин Махаматдинович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сманова Зулайхо Асаналиевна
кимё фанлари доктори, профессор

Эшметов Иззат Дусимбатович
техника фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот


Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти


Диссертация химояси Тошкент кимё-технология институти хузуридаги DSc.03/30.12.2019.К/Т.04.02 рақамли бир марталик Илмий кенгашнинг «6» 08 2021 йил соат «10» даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, А.Навоий кўчаси, 32. Тел.: (+99871) 244-79-20, факс: (+99871) 244-79-17. e-mail: info@tkti.uz)


Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 109 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, А.Навоий кўчаси, 32. Тел.: (+99871) 244-79-20).

Диссертация автореферати «24» 07 2021 йилда тарқатилган
(2021 йил «24» 07 даги № 5 рақамли реестри баённомаси)




Х.Л. Пулатов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор


Ф.Б. Игитов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгаш илмий котиби, PhD, доцент


Р.С. Сайфутдинов
Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда руда ва концентратларни қайта ишлаш, олтин ионларини органик реагентлар иштирокида аниқлаш, экстракцион ажратиш усуллари яратиш гидрометаллургия саноатининг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Шу билан бирга руда ва концентратларни қайта ишлашдан ҳосил бўлган мураккаб таркибли минерал кислоталардан олтин ионларини инерт органик эритувчилар ёрдамида танловчан экстракцион ажратиш ва тоза ҳолда реэкстракцион олиш, органик фазада асосли бўёқлар билан ҳосил қилган комплексларини сезувчи спектрофотометрик усуллари яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда олтиннинг миқдори камайиб бориши билан суяқ экстракция - аффинаж усулини такомиллаштириш, экстрагент танлашда, экстракцион ажратиш ва олтин ионларини органик реагентлар иштирокида аниқлаш, гидрометаллургия ва бошқа турдош тармоқларни ривожлантириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, аниқ элементлар учун юқори танловчан эритувчилар таркибини танлаш, кучли оксидланиш муҳитига чидамли, сувли фазада кам эрувчан, таркиби мураккаб бўлган кучли кислотали эритмалардан олтинни танловчан ажратиш ва тоза ҳолда олишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада гидрометаллургия ва кимё саноати корхоналари модернизация қилиниб, миқдори оз бўлган мураккаб таркибли эритмалардан олтинни ажратиш, мавжуд юқори сезгир реагентлардан фойдаланиб, янги аниқлаш усуллари яратишга алоҳида эътибор берилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017 - 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «саноатни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, маҳаллий хомашё манбаларини чуқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ўзлаштириш»¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада руда ва концентратларни қайта ишлашдан ҳосил бўлган мураккаб таркибли минерал кислоталардан олтин ионларини галогенидли комплекс инерт органик эритувчиларда танловчан экстракциялаш ва асосли бўёқлар билан органик фазада аниқлашнинг спектрофотометрик усуллари яратиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармон ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бўлган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожланишининг устивор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устивор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Олтин ионларини экстракцион ажратиш ва органик реагентлар билан спектроскопик ва атом-абсорцион аниқлаш усулларини яратишга оид Золотов Ю.А., Саввин С.Б., Мясоедов Г.М., Бракина Г.Д., Гавриленко Н.К., Лосев В.Н., Амелин В.Г., Моросанова Е.Н., Дмитренко С.Г., Рахматуллаев К.З., Закиров Б.Г., Геворгян А.М., Насимов М.А., Абдурахманов Э., Джиянбаева Р.Х., Кабулов Б.Д., Шестерова И.П., Гиясов А.Ш. ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Улар томонидан нодир металлларни ажратиш ва танловчан аниқлаш усулларини яратиш, аниқ элемент учун юқори танловчан, кучли оксидланиш муҳитига чидамли, сувли фазада кам эрувчан, таркиби мураккаб бўлган кучли кислотали эритмалардан олтинни танловчан ажратиш ва тоза ҳолда олиш усуллари ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга, руда ва концентратларни қайта ишлашдан ҳосил бўлган мураккаб таркибли минерал кислоталардан олтин (III) ионларини галогенидли комплекс инерт органик эритувчиларда танловчан экстракциялаш ва асосли бўёқлар билан органик фазада аниқлашнинг спектрофотометрик усулларини яратишга оид илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетининг илмий-тадқиқот режасига мувофиқ №ЁОТ-Фтех-2018-208 «Олтинни тоғ саноати эритмаларидан инерт органик эритувчилар ёрдамида ажратиш ва уни органик фазада тўғридан-тўғри бўёқлар билан аниқлаш усулини яратиш» (2018-2019 йй.) ва №ПЗ-20170927346 «Оқова сувларни тозалаш учун поликонденсацион туридаги ион алмашувчи янги полемер олиш технологиясини яратиш» (2018-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олтин (III) ионларини минерал кислотали эритмалардан танловчан экстракцион ажратиш технологиясини ишлаб чиқиш ва уни тўғридан-тўғри органик фазада аниқлаш усулини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олтин (III) ионларини инерт органик эритувчиларда танловчан экстракциялашнинг мақбул шароитларини аниқлаш;

олтин (III) ионларини қайтарувчилар билан танловчан реэкстракциялаш шароитини излаш ва аниқлаш;

олтинни танловчан экстракцион ажратиш ва тоза ҳолда реэкстракцион олиш янги технологиясини ишлаб чиқиш;

олтин (III) ионларини асосли бўёқлар билан тўғридан-тўғри органик фазада танловчан комплекс ҳосил қилиш шароитини излаш ва аниқлаш;

олтин (III) ионларини аниқлашда ташқи ионларнинг таъсирини ўрганиш;
олтин (III) ионларини яратилган янги экстракцион-спектрофотометрик аниқлаш усулини таркиби мураккаб бўлган намуналарда синаб кўриш ва амалиётда қўллаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида кучли кислотали, таркиби кимёвий мураккаб бўлган олтин (III) таркибли эритмалар ва концентратлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети олтин (III) ионини кучли-кислотали эритмалардан танловчан экстрагентлар ёрдамида ажратиш ва уни органик фазада тўғридан-тўғри спектрофотометрик аниқлаш усулини яратиш ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда оптик (экстракцион-спектрофотометрик, атом-абсорбцион), электркимёвий, статик хисоблаш усуллари, ИК-спектроскопик усуллари билан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

руда ва концентратларни қайта ишлашдан ҳосил бўлган мураккаб таркибли минерал кислоталардан, инерт органик эритувчилар ёрдамида танловчан экстракцион ажратиш ва реэкстракцион усули билан олтин тоза ҳолда олинган;

тўғридан-тўғри органик фазада олтин (III) ионларини танловчан экстракцион - спектрофотометрик усули билан аниқлаш усули асосланган;

олтин (III) ионларининг органик фазада асосли буёқлар (метилфиолет, бриллиант яшил ва метилен кўки) билан ҳосил қилган комплексларининг спектрофотометрик тавсифлари аниқланган;

олтин (III) ионларини инерт органик эритувчиларга экстракцияланиш ва кучли қайтарувчилар билан реэкстракциялаш механизмлари аниқланган;

олтин (III) ионларини ажратиш ва танлаб аниқлаш, соф элементни мураккаб таркибдаги кучли кислотали эритмадан танлаб ажратиб олиш ва тоза ҳолда экстракция қилиш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

аниқ элементларни органик фазада тўғридан-тўғри сезгир реагентлар таъсирида аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

олтин (III) ионларини танловчан экстракцион ажратишнинг янги технологияси ишлаб чиқилган;

олтин (III) ионларининг галогенидли комплексини инерт органик эритувчиларга танловчан экстракциялаш мақбул шароити аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган натижалар узок йиллар давомидаги лаборатория ва саноат тажрибалари ўтказилганлиги, қўшиш усули “киритилди-топилди” билан тасдиқланган, илмий-амалий анжуманларда маърузалар билан иштирок этилганлиги ҳамда халқаро маълумотлар базасига киритилган нашриётлардаги журналларда тақризлангандан сўнг чоп этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти: Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти руда ва концентратларни қайта ишлашдан ҳосил бўлган мураккаб таркибли минерал кислоталардан олтин (III) ионларини инерт органик эритувчилар ёрдамида танловчан экстракцион ажратиш ва тоза

ҳолда реэкстракцион олиш, органик фазада асосли буюқлар билан ҳосил қилган комплексларини сезувчи спектрофотометриянинг илмий асоси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти флотоконцентрат ва рудалар таркибидаги олтин (III) ионларини ажратиш ва танловчан аниқлаш усулларини яратиш, аниқ элемент учун юқори танловчан, кучли оксидланиш муҳитига чидамли, сувли фазада кам эрувчан, таркиби мураккаб бўлган кучли кислотали эритмалардан танловчан ажратиш ва тоза ҳолда олиш усуллари яратилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мураккаб таркибли минерал кислоталардан олтин (III) ионларини галогенидли комплекс инерт органик эритувчиларга танловчан экстракциялаш ва асосли буюқлар билан органик фазада аниқлашнинг спектрофотометрик усулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

олтин (III) ионларини тўғридан-тўғри органик фазада экстракцион - спектрофотометрик аниқлаш усули «Олмалиқ кон металлургия комбинати» АЖнинг «Амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Олмалиқ кон металлургия комбинати» АЖнинг 2020 йил 9 ноябрдаги 63-396-сон маълумотномаси). Натижада, флотоконцентрат ва рудалар таркибидаги олтин (III) ионларини тиндириш, ажратиш ва органик фазада метил фиолети, бриллиант яшили, метилен кўки асосли органик буюқлар кўшиш тартибида аниқлаш имконини берган;

олтин (III) ионларини ажратиш технологияси «Олмалиқ кон металлургия комбинати» АЖнинг «Амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Олмалиқ кон металлургия комбинати» АЖнинг 2020 йил 9 ноябрдаги 63-396-сон маълумотномаси). Натижада, флотоконцентрат ва рудалар таркибидаги олтин (III) ионларини тоза ҳолда экстракцион ва реэкстракцион эритмалардан ажратиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 4 та илмий мақолалар шулардан 2 халқаро 2 та республика ва 7 тезислар республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган, 2 та патентга буюртма берилган.

Тадқиқот натижаларини нашр қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иши чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан чоп этиш тавсия этилган журналларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг хажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил этган бўлиб, 26 та жадвал, 18 та расм ва 104 адабиётлардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзаблиги, мақсади ва вазифаларининг заруратлари, синов объектлари ва предмети тавсифланган.

Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикасида фан ва технология бўйича ривожланишининг устивор йўналишига мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва изланишларнинг амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари ёритиб берилган, синов натижаларининг амалиётда тадбиқ қилинганлиги, ишнинг чоп этилганлиги ва диссертациянинг таркиби келтирилган.

Диссертациянинг «Таркиби мураккаб кучли кислотали эритмалардан олтинни танловчан ажратиш ва тозалашнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истикболлари» деб номланган **биринчи бобида** олтин (III) ионини ажратиш ва аниқлаш бўйича адабиётларнинг таҳлили, олтин (III) ионини аниқлаш бўйича маълумотлар, асосий органик реагентларининг аналитик тавсифлари келтирилган. Олтин (III) ионининг экстракцион ажратиш ва аниқлашда экстрагент ва асосий бўёқларнинг спектрофотометрик тавсифлари келтирилган. Олтин (III) ионини асосли бўёқлар билан комплекс ҳосил қилиш шароитлари асосан органик фазаларда ўрганилган. Бу изланиш объектларни ўрганишга ёрдам берган.

Диссертациянинг «Олтин (III) ионини экстракцион ажратиб олиш ва органик реагентлар билан тўғридан-тўғри органик фазада комплекс ҳосил қилишнинг спектрофотометрик тадқиқи» деб номланган **иккинчи бобида** олтин (III) ионини экстракцион ажратиш ва аниқлаш ҳамда уни тўғридан-тўғри органик фазада асосли бўёқлар билан комплекс ҳосил қилиш бўйича спектрофотометрик изланишлар олиб борилганлиги келтирилган. Олтин ионини инерт органик эритувчиларга яъни кутбланмаган ва кам кутбланган органик эритувчиларга танловчан экстракцияланиш шароитини ўрганиш учун олтин (III) ионининг галогенидди комплекс ионларини экстракцияланиш шароитини ва олтин (III) ионининг галогенидди комплекс ионларини экстракциялаш шароитлари ўрганилган. Олтин (III) иони эритмаларида галогенводородли кислоталар MeX^{3-} ҳосил қилиб, ($X = F^-, Cl^-, Br^-, I^-$ 0 дан 6 гача ўзгаради) актив органик эритувчилар (спирт, эфир, кетон) яхши экстракцияланадилар.

Бу актив эритувчилар бошқа элементларнинг комплексларини ҳам экстракциялаш қобилиятига эгадирлар. Олтин (III) ионининг галогенидди комплекс бирикмалари инерт органик эритувчиларга экстракцияланмайди. Уларнинг ана шу қобилияти элементларнинг танловчан экстракцияланишини таъминлайди. Олтин (III) ионини танловчан экстракцион ажратиш мақсадида биз уни галогенид-иони ва диметилформамид (ДМФА) иштрокида экстракцияланиш шароитини ўргандик. ДМФА - актив кутбланган, апротон эритувчи бўлиб, юқори диэлектрик ўтказувчанлик (ДП-36,7) қобилиятига эгадир, сувда ва органик эритувчиларда яхши эриб, сольватланади. ДМФАнинг бензол ва хлороформли эритмасини сув билан аралаштирилганда ДМФА органик фазада тез ва амалий жиҳатдан тўлиқ сув фазага ўтиб олади.

Олтин(III) иони таркиби H_2SO_4 , галогенид-иони (хлор, бром ионлари) ва ДМФАдан ташкил топган эритмалардан хлороформ ва бензолга яхши экстракцияланади. Эритмада ДМФА йўқ бўлганида олтин (III) иони инерт органик эритувчиларга экстракцияланмайди. Йод иони оксидловчилар

иштрокида оксидланиб, органик фазага эркин йод ажралиб чиқади.

Олтин (III) ионининг инерт органик эритувчиларга экстракцияланишини эритмадаги H_2SO_4 , галогенид иони (хлор, бром ионлари) ва ДМФАнинг концентрацияга боғлиқлигини ўргандик. Бунинг учун олтин (III) ионинг концентрациясини ўзгармас қилиб олдик. Сув ва органик фазанинг ҳажмини 10 мл, фазаларни аралаштириш вақтини 1 минутдан ўзгармас қилиб олдик. Олтин (III) ионини экстрактдаги концентрациясини фотометрик усул билан метилен кўки (МГ) реагенти ёрдамида аниқлаб бордик. Бунинг учун экстрактга 1 мл дан МГ реагентининг 0,01%ли сувли эритмасини қўшиб, 20-30 секунд давомида чайқатдик. Органик фазада ҳосил бўлган рангли комплекс бирикма эритмасини солиштирувчи эритмага нисбатан фотометрладик.

Бензолга олтин (III) ионини оптимал экстракцияланиш шароити: 0,75-1,5М H_2SO_4 , 2,0-2,5М NaCl, 10-25% ДМФА бўйича (ёки 3,6М юқори H_2SO_4 , 0,1М KBr, 6-20% ДМФА), 5-10 секунд чайқатилади.

Хлороформга олтин (III) ионини оптимал экстракцияланиш шароити: 0,25-3,0М H_2SO_4 , 0,06-2,5М NaCl (ёки KBr) ва 17-23% ДМФА бўйича 5-10 секунд чайқатилади. Фазаларнинг ҳажми тенг бўлганида олтин (III) ионининг хлоридли комплекси хлороформга бир марта экстракцияланганда 99,99%ни ташкил этган ва фазаларнинг нисбатлари 50:1 гача ўзгармаган. Оптимал шароитда бензолга экстракцияланиши фазалар нисбати 1:1 бўлганда 85%ни ташкил этган, фаза нисбатлари 1:2,5 бўлганда 91%ни ташкил этган. Фазалар нисбати 1:1 бўлганда олтин(III) ионини бромидли комплексининг бензолга экстракцияланиши 99,9 % ни ташкил этган, фазаларни нисбати 2:1 гача ўзгармаган.

Олтин (III) ионинг хлоридли (бромидли) комплексларининг хлороформли ва бензолли экстрактларда барқарорлиги 6 соатни ташкил этган. Олтин (III) ионининг топилган оптимал шароитда бошқа органик эритувчиларнинг (толуол, углерод тўртхлорид, амилацетат, бутилацетат, изоамил спирт, изобутил спирт) экстракциялаш даражалари ўрганилди ва хлороформ ва бензол энг яхши экстрагент деб топилди. Олтин (III) ионининг хлороформ ва бензолга экстракцияланиш оптимал шароитида бошқа аминларнинг экстракциялаш қобилияти ўрганилди.

1-жадвал


Олтин(III) ионининг экстракцияланишига аминларнинг таъсири

Аминлар	Аминларни концентрацияси, % хажм бўйича	Олтин (III) ионининг экстракция даражаси, %
1. ДМФА (сув фазада)	10	99,9
2. Дифениламин	10	85,0
3. Аллиламин	10	42,0
4. Диметиланилин	10	42,0
5. Циклогексиламин	10	33,0
6. Диметиламин (сув фазада)	5*	20,0
7. α -аминопиридин(сув фазада)	5*	15,0
8. Диметиламин	5*	0,0

* - аминларнинг юқори даражада эриган миқдори.

Бунда дифениламин, диэтиламин, аллиламин, диметиланилин, циклогексиламинлар органик эритувчиларга қўшилди, α -аминопиридин, диметиламин ва ДМФА сув фазага қўшилди. Жадвалдан шу нарса кўринадики, олтин (III) иони ДМФА иштрокида тўлиқ экстракцияланар экан. Олтин (III) ионини бошқа аминлар билан ҳосил қилган комплекси сув-органик фазаларнинг чегарасида чўкма ҳосил қилиб, тўлиқ экстракцияланмаганлиги аниқланди. ДМФА-донор акцептор эритувчи бўлгани учун фазаларнинг чегарасида чўкма ҳосил қилмасдан агент вазифасини бажариб, олтин (III) ионини тўлиқ экстракцияланишини таъминлаган. Шундай қилиб, изланишлар натижасида олтин (III) ионини экстракциялашда энг яхши экстрагент – хлороформ ва бензол деб қабул қилинди, экстракцияловчи агент деб – ДМФА қабул қилинди.

Экстракциядаги олтин (III) ионининг хлоридли комплексини моляр нисбатлари мувозанатни силжитиш усули билан аниқланган (расм 1).



Расм 1. Хлороформдаги олтин(III) ионининг водород-ион(1), хлорид-ион(2) ва ДМФА(3) ларга бўлган моляр нисбатларини мувозанатни силжитиш усули билан аниқлаш.

$$C_{Au} = 9,1 \cdot 10^{-6} \text{ M}; V_o = V_v = 10 \text{ мл}; l = 1 \text{ см.}$$

Бунинг учун олтин (III) ионининг хлороформ ва бензолга экстракцияланишида:


1) Сульфат кислотани концентрациясини ўзгартириб (0,015дан 1,5Мгача), ДМФА (20%) ва хлорид-ионлари (2,5М)нинг концентрацияларини ўзгармас қилиб олинган;

2) Хлорид-ионларининг концентрацияларини 0,015дан 3,0М гача ўзгартириб, сульфат кислота (0,5М) ва ДМФА (20%)ларнинг концентрацияларини ўзгармас қилиб олинган;


3) ДМФАнинг концентрациясини 0,3дан 2,5М гача ўзгартириб, сульфат кислота (0,5М) ва хлорид-ионлари (2,5М) нинг концентрациялари ўзгармас қилиб олинган. Олтиннинг экстрактдаги концентрацияси МГ реagentи ёрдамида фотометрик аниқлаб борилган. Бунинг учун экстрактга МГ нинг

0,01%ли сувли эритмасидан 1мл олиб, сув-органик фазалар 10-15 секунд чайқатилган экстрактдаги олтин (III) ионини МГ билан ҳосил қилинган рангли комплекс эритмаси солиштирувчи эритмага нисбатан фотометрланган. Шундай қилиб, олтин (III) ионининг хлоридли комплексини ДМФА иштрокида экстракцияланишини қуйидаги реакция тенгламаси билан ифодалаш мумкин:


Хлороформли экстрактда:



Бензолли экстрактда:



Олтин (III) ионининг экстракцияланишида сув молекулаларининг ҳам гидратланиб, экстракцияланиши Фишер усули билан аниқланган. Хлороформда сувнинг молекула сони 4га, бензолда 2га тенглиги топилган. Шундай қилиб, олтин (III) ионининг экстракцияланиш механизмини қуйидаги тенглама билан кўрсатиш мумкин:



бу ерда: n=2; m=3 хлороформ билан экстракциялашда: n=2; m=3 бензол билан экстракциялаш.

Олтиннинг экстракция константаси қўйидаги тенглама билан ҳисобланган:

$$K_3 = \frac{[H(H_2O)_n (DMFA)_m^{+}][AuCl_4^{-}]}{[Au^{+3}][Cl^{-}]^4[H(H_2O)_n][H(H_2O)_n][DMFA]^m}$$

хлороформ ва бензолда тақсимланиш коэффициенти (D) қўйидаги тенглама билан ҳисобланади.

$$D = \frac{[H(H_2O)_n (DMFA)_m^{+}][AuCl_4^{-}]_{(O)}}{[Au^{+3}]}$$


бунда

$$K_3 = \frac{D}{[Cl^{-}]^4[H(H_2O)_n^{+}][DMFA]^m}$$

бу ерда: m – HAuCl₄ нинг хлороформ ва бензолли экстрактдаги сольват сони;

Хлороформ ва бензол экстрактдаги HAuCl₄ комплекс кислотанинг сольват сони-m; n-хлороформ ва бензол экстрактдаги HAuCl₄ комплекс кислотанинг гидрат сони. Олтиннинг хлороформ ва бензол бўйича ўртача экстракция константаларининг қиймати K₃=406,76 ва 0,107га тенг, тақсимланиш коэффициенти 10,4 ва 26,00га тенг. Олтинни хлороформга экстракцияланишида сув-органик фазаларнинг нисбатлари 50:1га тенглигини ҳисобга олсак, у ҳолда шунга тенглиги аниқланди:

$$D = 10,40 \square \frac{V_B}{V_O} = 520$$



Расм 2. Бензолдаги олтин(III) ионининг водород-иони (1), хлорид-иони (2) ва ДМФА (3)ларга бўлган моляр нисбатларини мувозанатни силжитиш усули билан аниқланган. $C_{Au} = 0,1 \cdot 10^{-6} \text{ M}$; $V_o = V_v = 10 \text{ мл}$; $l = 1 \text{ см}$.

Олтин (III) ионига нисбатан экстрагентнинг сифимини аниқлашда экстрагент сифатида хлороформдан фойдаландик. Олтин (III) ионининг экстрактдаги концентрациясини аниқлашда олтин (III) ионининг ўзининг табиий ранги бўйича спектрофотометрик аниқланди. Бунинг учун олтин (III) ионининг концентрациясини секин-аста ўсиб бориши тартибида ўлчов цилиндрига солиб, устига 1мл HCl ($n=1,19$) солиб, дистирланган сув билан 8мл гача суюлтирамик, устига 2мл ДМФА, 10мл хлороформ кўшиб, 5-10 секунд чайқатамик. Экстрактни сув фазадан ажратиб, фильтр қоғозидан ўтказиб, кюветага ($e=1\text{см}$), қуямиз ва 310нм да солиштирувчи эритмага нисбатан эритманинг оптик зичлигини ўлчаймик. Олинган натижалар шунни кўрсатадики, 10мл дан иборат бўлган экстрагентнинг олтин(III) ионига бўлган тўйиниши 17мг ни ташкил этди. Олинган натижадан шунни хулоса қилиш мумкинки, экстрагентнинг олтинга бўлган массавий юкламаси яъни сифими 1,7 мг/мл ёки 1,7г/л тенг.

Адабиёт маълумотларидан бизга маълумки, олтин (III) иони кучли қайтарувчилар (натрий сульфит, натрий нитрат, тиомочавина, натрий тиосульфат, гидразин, аскарбин кислотаси ва бошқалар) иштирокида қайтарилиб чўкмага тушадилар. Шу маълумотлардан келиб чиқиб, ҳар-хил реэкстрагентларнинг реэкстракция даражалари ўрганилди. Реэкстрагент сифатида натрий сульфит эритмаси олинди. Реэкстрагентларнинг реэкстракция даражаларини аниқлашда олтин (III) ионининг концентрацияси ўзгармас қилиб олинди. Органик фазанинг ҳажми 10мл, натрий сульфит эритмасининг ҳажмининг 10 мл қилиб олинди, фазаларнинг чайқаш вақти 1 минут. Реэкстрактдаги олтин (III) ионининг концентрацияси фотометрик усул билан аниқлаб борилди. Органик реагент сифатида метилен кўки олинди. Бунинг учун реэкстрактни чўкмадан фильтр қоғози ёрдамида ажратиб, реэкстрактга 1,5мл


НСl (d=1,19), 3мл ДМФА, 10мл хлороформ кўшиб, фазаларни 5-10секунд чайқатдик. Экстрактни сув фазадан ажратиб, экстрактга 1мл 0,01%ли МГ нинг сувли эритмасидан кўшиб, 20-30 секунд чайқатдик. Олтин (III) ионининг МГ билан ҳосил қилган рангли комплексини солиштирувчи эритмага нисбатан фотометрладик. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, Na_2SO_3 реэкстрагентининг минимал концентрацияси 0,75М максимал концентрацияси 2,0М дан иборат бўлди. Сув-органик фазаларнинг нисбатлари 1:1 бўлган экстрактдаги олтин (III) ионини хлоридли (бромидли) комплексининг реэкстракция даражаси 99,9%ни ташкил этди ва фазаларнинг нисбатлари 10:1гача ўзгармади. Шундан сўнг бошқа реэкстрагентларнинг реэкстракция даражалари ўрганилди. Натрий сульфит ва натрий нитритларнинг реэкстракция даражалари энг юқори деб топилди (жадвал 2).

2-жадвал

Олтинни ажратиб олишда хар-хил реэкстрагентларнинг реэкстракция даражалари

Реэкстрагент	Концентрация, %	Реэкстракция даражаси, %
Натрий сульфит	10	99,9
Натрий нитрит	10	99,9
Натрий тиосульфат	10	95,7
Гидразин	10	93,6
Аскорбин кислота	10	91,5
Формальдегид	10	85,2

Олтин (III) ионининг органик фазада асосли бўёқлар билан комплекс ҳосил қилиш шароитини ўрганиш учун мавжуд бўлган сезгир бўёқлардан метилфиолети (МФ), бриллиант яшили (БЗ), метилен кўки (МГ) бўёқларидан фойдаландик. Бу бўёқлар сувли эритмада кислотали шароитда хлорид (бромид) ионлари иштирокида олтин (III) ионлари билан ион ассоциати $\text{K}^+\text{Au}\Gamma_4^-$ (K^+ – бу ерда K^+ - асосли бўёқларнинг катиони) кўринишда рангли комплекс бирикма ҳосил қилиб, органик эритувчиларга экстрацияланади. Сув фазадаги ташқи ионлар ҳам комплекс бирикма ҳосил қилиб, олтин (III) ионлари билан бирга экстракцияланади ва олтинни аниқлашга ҳалакит этади. Олтин (III) ионини асосли бўёқлар билан комплекс бирикма ҳосил қилиш шароитини органик фазада ўргандик. Бунинг учун оптимал шароитда олтин (III) ионининг хлоридли (бромидли) комплексини ДМФА иштирокида хлороформ (ёки бензол)га экстракциялаб, сув фазани ажратиб, экстрактга буфер эритмада эритилган 0,01%ли асосли бўёқдан 1мл кўшиб, 20-30секунд чайқатдик. Органик фазада олтин (III) ионининг хлоридли (бромидли) комплекс иони асосли бўёқлар билан ҳосил қилган ранги комплексни сув фазадан ажратиб, экстрактни фильтр қоғозидан ўтказиб, солиштирувчи эритмага нисбатан фотометрладик. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, олтин (III) ионининг асосли бўёқлар билан маълум рН оралиғида тўлиқ компелекс ҳосил қилар экан (расм 3).



Расм 3. Олтин (III) ионининг хлороформда МФ(1), БЗ(2) ва МГ(3) билан ҳосил қилган комплексининг рН муҳитга боғлиқлиги.


$$C_{Au} = 9,1 \cdot 10^{-6} \text{ M}, V_o = V_v = 10 \text{ мл}, l = 1 \text{ см.}$$

Олинган натижалар олтинни асосли бўёқлар билан комплекс ҳосил қилишда эритманинг куйидаги рН қиймати оптимал шароит эканлигини кўрсатди.

Реагент	МФ	БЗ	МГ
Оптимал рН оралиғи	2,4-9,2	2,3-9,3	2,1-9,5

Олтин (III) ионининг асосли буёқлар билан органик фазада тўлиқ комплекс ҳосил қилиш учун куйида кўрсатилган ортикча мол миқдорда реагентдан олиш керак бўлади:

Хлороформда – МФ – 5, БЗ – 6, МГ – 20,
Бензолда – МФ – 2, БЗ – 3, МГ – 7.



Расм 4. Олтин (III) ионининг МФ (1,4), БЗ(2,5),МГ(3,6) билан хлороформда (1,2,3) ва бензолда (4,5,6); МФ(7), БЗ(8), /МГ(9) реагентларнинг хлороформда нурнинг ютилиши спекторлари.

$$C_{Au} = 5,1 \cdot 10^{-6} \text{ M}, V_o = 10 \text{ мл}, l = 1 \text{ см.}$$

Экстракта олтинни асосли буёқлар билан ҳосил қилган комплексининг барқарорлиги 3 суткадан ортиқ МФ, БЗ, МГ реагентлари ва уларнинг олтин билан ҳосил қилган комплексларида максимал нур ютилиш тўлқин узунликлари бензол ва хлороформда 605нм, 640нм ва 650нм дан иборат (расм 4.)

Диссертациянинг «Олтин (III)ни ажратиб олиш ва аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган усуллар» деб номланган **учинчи бобида** олтин (III) ионини эритмалардан ажратиб олиш ва органик фазада аниқлаш бўйича усуллар келтирилган.

Олтин (III) ионини тоза эритмалардан хлороформ билан экстракциялаб аниқлаш усули. Олтин (III) ионини тоза эритмалардан МГ буёғи билан аниқлаш учун ҳажми 25мл га тенг бўлган ўлчов цилиндрга текшириляётган эритмалардан, таркибида 1-150 мкг олтин (III) ионидан 1-2 мл олиб қўямиз, устига 5М ли натрий хлор эритмасидан 0,5мл қўшамиз ва 7мл гача дистирланган сув билан суюлтирамиз ва 5М ли сульфат кислота эритмасидан 1 мл, 2мл ДМФА, 10 мл хлороформ қўшиб, фазаларни 5-10 секунд чайқатамиз. Аралашмани ажратгич воронкадан ўтказиб, экстрактни таркибида 0,5М сульфат кислота, 0,25М натрий хлорид (ёки натрий бромид) ва 20% ДМФА (ҳажм бўйича) лардан иборат бўлган 10 мл ювгич эритма билан 10-15 секунд давомида чайқатиб ювамиз. Сўнгра экстрактга 1мл 0,02%ли МГнинг сувли эритмасидан қўшиб, фазаларни 10-15 секунд давомида чайқатамиз. Органик фазада олтин (III) ионининг МГ реагенти билан ҳосил бўлган комплексини филтёр қоғозидан ўтказиб, кюветага қуямиз ва солиштирувчи эритмага нисбатан оптик зичлигини ўлчаймиз. Олтин (III) ионининг МФ ва БЗ реагентлари билан тоза эритмадан аниқлаш учун 25мл ли ўлчов цилиндрига концентрацияси 1-150мкг олтин (III) иони бўлган эритмадан 1-2мл олиб, устига 0,5мл натрий хлориднинг 5Мли эритмасидан қўшиб, 7мл гача дистирланган сув билан суюлтирамиз ва устига яна 1мл 5М ли сульфат кислота, 2мл ДМФА, 5мл хлороформ қўшиб, 5-10 секунд чайқатамиз. Аралашмани ажратгич варонкага ўтказиб, экстрактни бошқа варонкага қуямиз. 10мл ювгич эритмаси (таркибида 0,5М сульфат кислота, 0,25М натрий хлорид ва 20% ДМФАлардан ташкил топган) билан 10-15 секунд давомида чайқатиб ювамиз. Экстрактга 15мл бензол эритмаси ва 1мл 0,02%ли МФ (ёки БЗ) сувли эритмасидан қўшиб, 10-15 секунд чайқатамиз. Экстракта олтин (III) ионининг МФ ва БЗ билан ҳосил қилган комплексини қоғозли филтёрдан кюветага ўтказиб, солиштирувчи эритмага нисбатан фотометрлаймиз.

Олтин(III) ионини бензол билан экстракциялаб, органик фазада асосли буёқлар билан аниқлаш усули. 25мл ли ўлчов цилиндрига концентрацияси 1-150 мкг бўлган олтиннинг тоза эритмасидан 1-2мл олиб, устига 5-6 мл 5М ли натрий хлорид, 1,5мл 5М ли сульфат кислота, 1,8 мл ДМФА, 10 мл бензолга қўшиб, 5-10 секунд чайқатамиз. Аралашмани ажратгич варонкага ўтказиб, сув фазани тўкиб ташлаймиз ва экстрактни 10 мл ювиш эритмаси (таркибида 0,75 М сульфат кислота, 2,5 М натрий хлорид ва 15% ДМФА дан ташкил топган) билан 10-15 секунд давомида чайқатиб ювиб ташлаймиз. Сўнгра экстрактга 1мл 0,02%ли МФ (БЗ,МГ)нинг сувли эритмасидан қўшиб, 10-15 секунд чайқатамиз.

Экстрактни сув фазадан ажратиб, фильтр қоғозидан ўтказамиз ва оптик зичлигини ўлчаймиз.

Диссертациянинг «Олтин (III)ни экстракцион ажратиш ва объектларда асосий бўёқлар билан спектрофотометрик аниқлаш бўйича яратилган янги технологиялар» деб номланган тўртинчи бобида олтин (III) ионини табиий ва саноат объектларининг эритмаларидан танловчан ажратиш ва органик фазада асосли бўёқлар билан танловчан, сезгир ва экспресс аниқлашнинг усуллари келтирилган. Бунинг учун яратилган янги экстракцион-спектрофотометрик аниқлаш усулларимиз ишлаб-чиқариш эритмаларида, олтин таркибли тоғ жинслари ва рудаларда олтинни ташқи элементлардан ажратмасдан аниқлаб таҳлил қилинди.

Олтин (III) ионини ишлаб чиқариш эритмаларида аниқлашда Олмалик кон металлургия комбинатининг (ОКМК) гидроцехида ҳосил бўлган эритмадан 1-2 мл алиқвот қисм олиб, устига 5мл шох ароғидан қўшиб, эритмадан NO₂ газининг ажралиб чиқиши тугагунча парлатдик, сўнгра эритмани совитиб 50мл ли ўлчов колбасига декантация усули билан ўтказиб, сув билан 50 мл гача суюлтирдик. Сўнгра эритманинг алиқвот қисмидан олтин (III) ионини бромидли комплекс кўринишда бензол билан экстракциялаб, МФ бўёғи билан органик фазада аниқладик.

Тоғ жинслари, руда ва концентратларининг таҳлилида (3-жадвал) олдиндан 800-850⁰С ҳароратда куйдирилган намуналардан (10-20г) олиб, 250 мл ли конуссимон колбага соламиз, устига 20-30 мл аралашмадан (HCl: HNO₃=3:1) қўйиб, кумли хаммом устида нам туз ҳолига келгунча парлатамиз. Устига 10-15мл аралашмадан қўшиб, яна нам туз ҳолига келгунча парлатамиз, сўнгра устига 30-60мл дистирланган сув қўйиб, 5-10 минут қайнатамиз. Сўнгра эритмани совитиб, 50-100 мл ли ўлчов колбасига филтёрлаб ўтказамиз. Сўнгра филтёрлатни ўлчов белгисигача сув билан суюлтирамиз. Эритманинг алиқвот қисмидан олтиннинг миқдорини тоза эритмаларидан аниқлаш усули билан аниқлаймиз.

3-жадвал

Олтин (III) ионини руда ва концентратларда хлороформ билан экстракциялаб, органик фазада МФ бўёғи билан аниқлаш натижалари (n = 4; p = 0,95)

Намунанинг номи ва рақами	Паспорт бўйича Au нинг таркиби, г/т	$(\bar{x} \pm \Delta\bar{x}), \text{ г/т}$	$S_r \cdot 10^2$	$\pm \frac{\Delta\bar{x}}{\bar{x}} \cdot 100$
Руда:				
8100 – 18	7,00	7,11 ± 0,28	2,48	± 3,93
8105 – 18	4,61	4,33 ± 0,20	2,71	± 4,62
8109 – 18	0,80	0,86 ± 0,07	5,12	± 8,13
Концентрат:				
2196 – 17	9,20	9,45 ± 0,37	2,55	± 3,92
2192 – 17	4,02	4,22 ± 0,17	2,63	± 4,02
2205 – 17	0,90	0,81 ± 0,07	5,00	± 6,64

Шундай қилиб, олтинни таҳлилида объектлардан олинган натижалардан шуни хулоса қилиш мумкинки, таркиби мураккаб бўлган объектлардан олтинни органик фазада МФ, БЗ ва МГ бўёқлари билан аниқлашнинг янги яратилган усули мавжуд бўлган усуллардан ўзининг юқори танловчанлиги сезгирлиги содда ва тезкорлиги, ишончлилиги ва аниқлиги билан устунлигини кўрсатади.

ХУЛОСА

1. Гидрометаллургия корхоналарда руда ва концентратларни қайта ишлашдан ҳосил бўлган мураккаб таркибли минерал кислоталардан олтин (III) ионини инерт органик эритувчилар ёрдамида танловчан экстракцион ажратиш ва тоза ҳолда реэкстракцион олиш усули яратилди;

2. Олтин (III) ионининг галогенидли комплексини инерт органик эритувчиларга танловчан экстракциялаш оптимал шароити топилди;

3. Органик фазада экстракцияланган олтинни галогенидли комплексининг таркиби аниқланди;

4. Асосли бўёқлар билан (МФ, БЗ ва МГ) билан олтин (III) ионининг органик фазада комплекс ҳосил қилиш шароити топилди;

5. Олтин (III) ионининг органик фазада асосли бўёқлар (МФ, БЗ ва МГ) билан ҳосил қилган комплексларининг спектрофотометрик тавсифлари аниқланди;

6. Олтинни асосли бўёқлар билан аниқлашда ташқи ионларнинг таъсири ўрганилди ва олтинни таъсири ўрганилди;

7. Мавжуд усуллардан ўзининг юқори танловчанлиги, сезгирлиги, тезкорлиги ва соддалиги, ишончлиги ва аниқлиги билан устун турувчи олтиннинг асосли бўёқлар (метилфиолет, бриллиант яшил ва метилен кўки) билан аниқловчи янги экстракцион-спектрофотометрик усуллар яратилди;

8. Яратилган усулларнинг ишончлилиги ва аниқлиги ишлаб чиқариш эритмалари, концентратлар, шунингдек тоғ жинслари ва рудаларда ташқи элементлардан ажратмасдан олтин аниқлашда «киритилди-топилди» усуллари билан текшириб кўрилди;

9. Олтиннинг аниқлаш усули Олмалик тоғ-металлургия комбинатининг марказий лабораториясида тадбиқ этилди. Шунингдек олтинни аниқлаш усуллари «Экология ва атроф муҳит муҳофазаси» кафедрасининг ўқув амалиётида ишлаб чиқариш эритмалари ва оқова сувларни таҳлил қилишда қўлланиб келмоқда.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ
DSc.03/30.12.2019.К/Т.04.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ
ИНСТИТУТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ОТАКУЗИЕВА ВАЗИРА УСМОНЖОНОВНА

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ СЕЛЕКТИВНОГО
ЭКСТРАКЦИОННОГО ИЗВЛЕЧЕНИЯ ЗОЛОТА (III) И
ОПРЕДЕЛЕНИЕ ЕГО С ОСНОВНЫМИ КРАСИТЕЛЯМИ**

02.00.02 – Аналитическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2021.1.PhD/T1773

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.tkti.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Турабджанов Садритдин Махаматдинович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Сманова Зулайхо Асаналиевна
доктор химических наук, профессор

Эшметов Иззат Дусимбатович
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация:


Узбекский научно-исследовательский институт химии и фармацевтики


Защита диссертации состоится « 6 » 08 2021г. в « 10⁰⁰ » часов на заседании разового Научного Совета DSc.03/30.12.2019.K/T.04.02 при Ташкентском химико-технологическом институте (адрес: 100011, г. Ташкент, ул. А.Навои, 32. Тел.: (+99871) 244-79-20, факс: (+99871) 244-79-17. e-mail: info@tkti.uz)


Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за № 109, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (адрес: 100011, г. Ташкент, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-20)

Автореферат диссертации разослан « 24 » 07 2021 года
(Реестр за № 5 от « 24 » 07 2021г.)




Х.Л.Пулатов
Председатель разового Научного совета при Научном совете по присуждению учёных степеней, д.х.н., профессор


Ф.Б.Игитов
Ученый секретарь разового Научного совета при Научном совете по присуждению учёных степеней, PhD, доцент


Р.С.Сайфутдинов
Председатель научного семинара при разовом Научном совете по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность диссертации. В настоящее время переработка руд и концентратов, разработка методов экстракционного извлечения и определения ионов золота в присутствии органических реагентов являются приоритетными задачами гидрометаллургической промышленности. В то же время разработка способов селективного экстракционного извлечения золота с помощью инертных органических растворителей из растворов сложных составов минеральных кислот и реэкстракционного получения его в чистом виде из руд и промышленных концентратов, а также разработка методов чувствительного спектрофотометрического определения комплексов с основными красителями в органической фазе имеют важное значения.

По мере того, как количество золота в мире уменьшается, проводятся научные исследования, в том числе в гидрометаллургии и других смежных отраслях, по совершенствованию метода жидкостной экстракции-аффинажа, выбору экстрагентов, экстракционного разделения и определения ионов золота в присутствии органических реагентов. В этом плане особое внимание уделяется подбору высокоселективного органического растворителя для конкретных элементов, чтобы быть стабильным в сильноокислых и окислительных средах, минимально растворяться в водной фазе, для селективного извлечения золота и получения его в чистом виде из минеральных кислот, сложных по составу.

В республике особое внимание уделяется модернизации гидрометаллургических и химических предприятий, по выделению золота из сложных растворов с низкой концентрацией, созданию новых методов определения с использованием существующих высокочувствительных реагентов. В этом направлении достигаются определенные результаты. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы ставит важные задачи, среди которых: «повышение уровня качества промышленности, глубокая переработка местного сырья, ускорение производства готовой продукции, разработка новых продуктов и технологий»¹. В связи с этим важно селективно извлекать ионы золота из сложных минеральных кислот, образующихся при переработке руд и концентратов, выделять галогенированные комплексные соединения инертными органическими растворителями и разрабатывать спектрофотометрические методы определения их с помощью основных красителей в органической фазе.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Постановлении ПП-3983

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

от 25 октября 2018 года «О мерах по ускорению развития химической промышленности Республики Узбекистан» и ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию химической отрасли и ее увеличению. инвестиционная привлекательность »и других нормативных актов, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование проводилось в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Разработкой методов и проведением научных исследований по экстракционному извлечению ионов золота, спектроскопическому и атомно-абсорбционному определению его с использованием основных красителей, занимались такие известные ученые, как Золотов Ю.А., Саввин С.Б., Мясоедова Г.М., Брыкина Г.Д., Гавриленко Н.А., Лосев В.Н., Амелин В.Г., Моросанова Е.И., Дмитриенко С.Г., Рахматуллаев К.З., Закиров Б.Г., Геворгян А.М., Насимов М.А., Абдурахманов Э., Джиянбаева Р.Х., Кабулов Б.Д., Шестерова И.П., Гиясов А.Ш. и др.

Ими разработаны методы по извлечению и определению благородных металлов с высокой селективностью по отношению к конкретному элементу, устойчивости к сильным окислительным средам, менее растворимым в водной фазе, а также селективное извлечение золота из сильноокислых растворов сложного состава и получение его в чистом виде реэкстракцией.

Одновременно ведутся исследования по селективному извлечению ионов золота (III) из сложных минеральных кислот, образующихся при переработке руд и концентратов в галогенированных комплексах инертными органическими растворителями, а также по разработке спектрофотометрических методов определения его с помощью основных красителей в органической фазе.

